

Бошқа сўзларнинг оқибати надоматдир



08:00 / 05.05.2020 1462

Абдуллоҳ ибн Солиҳ Ажлий айтади: «Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғилларидан бири Ибн Саммокнинг илм ҳалқаларига қатнашар, аммо одатда бўлиб турадиган баҳс-мунозараларга қўшилмай индамай ўтирарди. Бир куни Ибн Саммок унга: «Эй йигит, нега бошқалар ўзаро баҳс-мунозара қилиб турганда сен уларга қўшилмай, жим турибсан?» деди. У: «Тинглаш учун ўтирдим. Тушуниш учун сукут сақладим. Аллоҳ таолонинг сўзидан бошқа сўзларнинг оқибати надоматдир», деди. Ибн Саммок бу гапларни эшитиб, «Аллоҳга қасамки, ўша куни Маъдан (шаҳар номи) дан чиқиб кетдим», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан